

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА ИРРИГАЦИЯ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришга оид тақлифлар тақдими билан танишди.

Сув танқис бўлган минтақамизда уни қадрлаш ва тежаш жуда долзарб масала. Ўзбекистонда бунга доимий эътибор қаратилиб, сугориш тармоқлари таъмирланмоқда, сув тежовчи технологиялар жорий қилинмоқда.

Хусусан, 2020-2024 йилларда шу мақсадларга 60 триллион сўм бюджет маблағлари ҳамда 622 миллион доллар хорижий инвестиция йўналтирилган. Натижада 2020 йилда сув тежовчи технологиялар қўлланган майдонлар жами сугориладиган майдонларга нисбатан 4 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 50 фоизга етган.

Энди бу ишларнинг изчил давоми сифатида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025-2028 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди.

Тақдиротда мутасаддилар унда назарда тутилган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берди.

Дастурда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга устувор аҳамият қаратилган. Шу мақсадда 2 минг 551 километр ирригация тармоқлари реконструкция қилиниши белгиланган. Насос станцияларидаги эски ускуналарни тежамкорига алмаштириш орқали уларнинг йиллик электр энергияси истеъмолини 6,8 миллиард кВт/соатдан 6,2 миллиард кВт/соатгача камайтириш мўлжалланган.

Ерларнинг ҳолати ҳам сув сарфида муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, дастурда сув таъминоти паст бўлган сугориладиган майдонлари 424 минг гектардан 276 минг гектаргача камайтириш кўзда тутилган. Турли даражада шўрланган ҳамда ер ости сувининг сатҳи муаммоли бўлган майдонлар ҳам камайтирилади. Натижада фойдаланишдан чиқиб кетган 460 минг гектар ер экишга қайтарилади.

Яна 1 миллион 400 минг гектар ерда сув тежовчи, шу жумладан, 293 минг гектарда томчилатиб сугориш технологияси жорий этилади. 20 та йирик иншоотларда назорат-ўлчов ускуналари модернизация қилинади.

Сув ҳисобини юритишда инсон омилини камайтириш ҳам муҳим. Бу борада 12 мингта мелiorатив кузатув қудуғида ҳамда 1 минг 750 та насосда замонавий мониторинг йўлга қўйилади. 12 та йирик сув хўжалиги иншооти рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган бошқарувга ўтказилади.

Умуман, дастур натижасида бетон қопламали каналлар улуши ҳозирги 39 фоиздан 47 фоизга етади. Ирригация тармоқларининг



ТИББИЁТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ЯНГИ АВЛОД МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ ПОЙДЕВОРИ

Жорий йил 8 август куни Президентимиз раҳбарлигида олий ўқув юртлири биттирувчилари бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилишда мамлакатимиз олий таълим тизимидаги туб ислохотлар, айниқса, молиявий ва ташкилий мустақилликка эришган ОТМлар фаолиятида кузатилаётган ижобий ўзгаришлар атрофлича таҳлил қилинди. Шунингдек, академик ва молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларида таълим сифати ва рақобатбардорлиги сезиларли ошгани, илмий тадқиқот фаолиятига инвестиция жалб қилиш имконияти кенгайгани эътироф этилди.

Давоми 5-бетда

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари ЎЗБЕКИСТОН

“ИСЛОХОТЛАР ШТАБИ” БУХОРО ВИЛОЯТИДА ҲАМ ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАРНИ ЮЗАГА ЧИҚАРМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятида ислохотлар натижадорлиги ва янги лойиҳалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Илгари бу ҳудуд иқтисодиёти санокли тармоқлар билан чекланган эди. Сўнгги саккиз йилда вилоятга 8 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб этилиб, иқтисодиёт таркиби кенгайди. Биргина саноат соҳасида 6 мингта янги корхона очилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6 баробардан зиёд ошди.

Туризм инфратузилмаси яхшиланиб, янги масканлар ташкил этилди. Нуфузли меҳмонхона брендлари кириб келди. Йиллик сайёҳлар сонини 1 миллион 700 минг нафарга етди.

Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 5 декабрдаги қарорини Бухоро вилоятида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган эди. Натижада жорий йил 6 ойда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,3 фоизга ошди. 198 та янги саноат корхонаси ташкил топди. Янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 6,4 фоизга ўсди.

Давлатимиз раҳбари ташаббусига мувофиқ тузилган “Ислохотлар штаби” Бухорода ҳам қўшимча имкониятларни юзага чиқармоқда. Тақдиротда мутасаддилар ана шундай янги лойиҳалар тўғрисида ахборот берди.

Масалан, туркиялик тадбиркорлар Пешку туманида графит қазиб олиш ва қайта ишлашга қизиқиш билдирган. Вьетнам компанияси замонавий турар жой, Ҳиндистон корхонаси жарроҳлик маркази қуришни режалаштирган. 217 гектар майдонда 260 та лойиҳани амалга ошириб, 10 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш мўлжалланган.

Умуман, вилоятда 1 миллиард 700 миллион долларлик 21 та янги лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ҚЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 август куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Бош вазир ва дўст Ҳиндистон халқини яқинлашиб келаётган миллий байрам — мамлакат Мустақиллиги куни билан самимий табриклаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванг тилади.

Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклик ва қўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Эришилган келишувларга мувофиқ амалий ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани, турли даражада фаол ва сермахсул мулоқотлар давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йил бошидан товар айирбошлаш 60 фоизга ошди, 40 га яқин янги қўша корхона ва кооперация лойиҳалари ишга туширилди. Ҳиндистоннинг етакчи компаниялари билан амалга оширилаётган истиқболли лойиҳаларнинг жорий портфели икки миллиард долларга етди.

Ўзбекистонда Ҳиндистон университ

тетларининг тўртта филиали муваффақиятли фаолият юритмоқда. Етакчилар фармацевтика ва кимё саноати, рақамли иқтисодиёт, энергетика, кончилик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, туризм ва бошқа йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратди.

“Шимол-Жануб” йўлги доирасида самарали транспорт-транзит йўналишларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишини Тошкент шаҳрида самарали ўтказиш муҳими қайд этилди. Маданият ва кино қулиларини ўзаро ташкил этиш, ҳудудлар даражасида алмашинувларини фаоллаштириш тақлиф қилинди.

Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазири минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдирилган ҳамда бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллигига



МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ (Биринчи мақола)

Энг улуг, энг муқаддас байрамимиз — давлат мустақиллигига эришганимизнинг ўттиз тўрт йиллиги ҳам яқинлашмоқда. Тарихан қисқа давр мобайнида давлат қурилиши, жамият тараққиёти, инсон қадрини юксак даражага олиб чиқиш борасида мисли кўрилмаган натижаларга эришдик. Инсон, жамият, давлат манфаатлари уйғунлигига эришиш йўлидаги саяё-ҳаракатларимиз ижобий томонларини ҳар тарафдан кўрсатди. Янги Ўзбекистонни барпо этиш билан боғлиқ барча ислохотларимиз реал ҳаётда муваффақиятли амалга ошмоқда. Бу ютуқларимиз нафақат халқимиз томонидан ҳис этилмоқда, айни пайтда у дунёнинг йирик давлатлари раҳбарлари, нуфузли сиёсатчилар, халқаро экспертлар тарафидан ҳам юксак даражада эътироф этилмоқда.

Бугун янги Ўзбекистон ўзининг мустақил йўлини топди, у жаҳон ҳам-жамиятининг эркин субъекти сифатида даярли барча халқаро масалалар ечимида ўз сўзини айта олмақда. Биз дунёга, дунё эса бизга очилди.

Мазкур фикрлар Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан янада муайян билим ва тасаввур беради деб ўйлаймиз. Бундай билим ва тасаввурлар эса тарихдан сабоқ олишга хизмат қиладди. Қолаверса, мустақилликнинг қадр-қиммати, унинг ўзбек халқи тарихий тақдирдаги ўрнини билиш учун, энг аввало, мустақид тузум мазмун-моҳиятини онгли равишда англаш муҳимдир.

Энди мустақид тузумнинг ўзбек халқи миллий ўзлигини англашга қарши қаратилган айрим тадбирларига мисол келтирамиз. Масалан, миллий-маънавий, айниқса, диний қадриятларимизга қарши курашда ўша давр сиёсий ҳокимияти томонидан ўйлаб топилган “Қурашчан худосизлар” ташкилоти жуда ачинарли ишлар қилди. Ушбу ташкилотнинг бўлимлари барча ташкилот, корхона, муассасаларда

Мустақид тузум йилларида халқимизнинг маънавий-маданий ҳаёти, айниқса, ачинарли бўлди. Келинг, мустақиллик байрами арафасида бу борада етказилган зарарлар, миллий-маданий меросимиз, айниқса, миллий тарбия тизимимизга етказилган зиёну захмлар ҳақида икки оғиз фикрлашайлик. Ҳар ҳолда бу ёш авлод онгидида халқимиз бошидан кечирган оғир кунлар, етказилган моддий ва маънавий захмлар ҳақида муайян билим ва тасаввур беради деб ўйлаймиз. Бундай билим ва тасаввурлар эса тарихдан сабоқ олишга хизмат қиладди. Қолаверса, мустақилликнинг қадр-қиммати, унинг ўзбек халқи тарихий тақдирдаги ўрнини билиш учун, энг аввало, мустақид тузум мазмун-моҳиятини онгли равишда англаш муҳимдир.

Ташкил этилган. “Қурашчан худосизлар” ташкилоти, унинг бўлимлари руҳонийлар, динга эътиқод қилувчиларга қарши шафқатсизларча курашди, ташкилотнинг бош гоиси эса “эски қадриятларга” қарши курашдан иборат бўлди.

Миллий-маънавий қадриятларимизга қарши кураш бутун мустақид тузум даврида мутлақо тўхтамади. Компартия давлатнинг миллий, айниқса, диний қадриятларга қарши курашда икки хил йўл тутди. Бир томондан, давлат дин ишларига аралашмаслиги расман эълон қилинган бўлса, иккинчи тарафдан, диний қадриятларга қарши кураш асло тўхтамади, давлат унинг куч ишлатарганларни барча диний ишларни кузатиб, “тартибга солиб” турди. 1940 йилда нашр этилган “Антирелигиозный учебник” китобида синфий душманлар ҳали тўлиқ яқсон қилинмагани, улар энди диний ташкилотларда уя қургани, социализм гоғарлига қарши реакция, душманларча фаолиятини тўхтатмагани, минглаб миллий зиёлилар, руҳонийлар ўзларининг тамомла мағлуб бўлганини таш олмагани баён этилади.

Давоми 3-бетда

ҲАР БИР СЎЗИ ҚИҚМАТ, ҲАЁТИ ИБРАТ НУРОНИЙЛАРИМИЗ ДОИМО ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМДА

Инсон ёши уқайган сари ҳаёт ҳақидаги тафаккури, воқеликка муносабати тобора чуқурлашиб, янгича маънолар билан бойиб боради. Аммо бир туйғу борки, у йиллар, асрлар, ҳатто авлодлар алмашса ҳам ўзгармайди, сўнмайди, ўчмайди. Ёшлиқда қалбда қандай чакнаган бўлса, кексаянда ҳам юракнинг энг нозик қатламини ёритиб туради. Бу муқаддас Ватан туйғусидир.

Ватан инсоннинг бебаҳо маънавий суянчи, ҳаёт йўлини йўналтирувчи маънавий кутубдир. Инсон дунёга келиб, онгу шуурини англаб, шахс сифатида камол топиши, орзу-умидларини рўёбга чиқариши учун Ватанининг ўрнини ҳеч нарсаси босолмайди. Шу боис, аждодларимиз Ватан сўзини улуғлаган, унинг шаъни ва шарафини ҳимоя қилишни ҳаёт мазмунига айлантирган. Улар юрт равнақи йўлида бор билим, маҳорат ва кучини аямай, ҳатто жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган.

Бугунги авлоднинг омади ана шу улуг аъналар меросини мустақил, озод ва эркин юртда давом эттираётганидир. Бугун биз, тинчлик ва фаровонлик бағрида яшаётганлар ўз бахтимизнинг қимматини чуқур ҳис қилишимиз, эркинлик неъматидан янада кўпроқ баҳраманд бўлишимиз шарт.

Давоми 2-бетда

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ



Абдухалил МАВРУЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Бугун янги Ўзбекистонда аҳоли, айниқса, ёшларни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, улар онгига миллий ўзлик тамойилларини чуқурроқ синдириш билан боғлиқ вазифалар адо этилаётган бир даврда собиқ мустабид тузумнинг илк давлариданоқ одамларни шўро мафкураси асосида, социалистик инқилоб руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилгани, маънавий қадриятларни миллий-ахлоқий қадриятларни йўқ қилиш асосида олиб борилганини яна бир бор эслаш лозим.

Ўша давр компартиясининг маддоҳлари ўзининг энг долзарб вазифаси сифатида кун тартибига аҳолини инқилобий руҳда тарбиялаш масаласини қўйди. Уларнинг фикрича, ахлоқ борасидаги инқилобий кайфият, энг аввало, инқилобий жўшқинлик асосида шаклланди. Инқилобий ахлоқ тушунлиқ, ўз ишига умидсизлик, эски, чиринди мафкуралар билан келиша олмайди. Эътибор қилинг-а, минг йиллар давомида шакланган миллий тараққиёт ғояларини, мутафаккир алломаларимиз томонидан яратилган миллий ахлоқ концепциялари “чиринди”, “эски” эмishi!

Оқибатда миллий-маънавий, хусусан, ахлоқий қадриятлар деформацияси, айниш, бузилиши, қадриятлар қадрсизланиш жараёни юзга келди. Айниқса, мустабид совет тузуми шароитида миллий маънавиятга ўша даврда шакланган дохийлик мафкураси кучли таъсир кўрсатди. Бундай мафкуранинг моҳияти қатор “дохийлар” шахсига ситиниш, тарихни сохталаштириш, социализмни ягона қадрият сифатида эътирф этишдан иборат бўлди. Бундай шароитда дохийлик мафкураси жамият маънавий ҳаётини издан чиқарди, оммавий онг фақат бир жиҳатга — киши тафаккурда социалистик қадриятларни улуғлашга қаратилди.

Миллий-маънавий, айниқса, ахлоқий қадриятлар қадрсизланиши ўтган асрнинг 70-80-йилларида авж олди. Жамиятда, хусусан, маънавий ҳаётда демократиянинг кечаниши, ахлоқий қадриятларга нисбатан беписандлик муносабати аста-секин одамларда сиёсий ҳаётдан бегоналашув жараёнини юзга келтирди. Бундай бегоналашув эса ижтимоий сустиликка олиб келди. Ижтимоий сустилик ҳар доим ҳам ижтимоий боқимандалик билан ўйгун ҳолда ўзини кўрсатади. Бу даврда авваллари буржуа ахлоқи деб танқид қилинган “жамиятга озо бериб, кўпроқ олиш” тамойили авжга чиқа бошлади.

Ахлоқий қадриятлар қадрсизланиши, емирилишига ўша йилларда авж олган хизмат лавозимини суниестемол қилиш, танқид учун танқид этиш, қўшиб ёзиш, давлат мулкни талон-тарож қилиш, кўбўямачилик, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бепарволик каби иллатлар ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Айни пайтда кишиларнинг муайян қисмида у ёки бу масалада бир хил гапириш ва бошқача фикрлашдан иборат рухий кечина-ма шаклланди. Шу ўринда таниқли адиблар Чингиз Айтматов ва Мухтор Шоҳоновнинг суҳбатидаги қуйидаги иқтибосни келтиришни лозим топдик: “Мустабид тузум ҳўкм сурган даврда бутун жамиятга, сен билан менинг, ҳаммамизнинг дунёқарашимизга мафкуравий шири кийдириб қўйилди. Шу йўсин ҳамма ва ҳар бир киши қаттиқ бўйинтуруқ асосида



ягона тузум манфаатларига итоат эттирилди” (Чингиз Айтматов, Мухтор Шоҳонов. “Ўўққнда қолган овчининг охи зори”).

Ҳа, ана шу, айрим юртдошларимиз ҳали ҳам сажда қилаётган, қўмсаётган собиқ мустабид тузуми ҳаммамизга Чингиз Айтматов айтгани каби бўйинтуруқ қийиндиг, эътиқоди суст айрим одамларимизни манқуртга айлантирди. Миллий маънавиятимиз, қадриятларимиз топталди, ерга қўмилди, ёндирилди, йўқ қилинди.

Бироқ миллий мустақиллик туфайлигича биз азалий миллий-маънавий, маданий

меросимизни сақлаб қола олдик. Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, мустақиллик ғояларини фуқаролар онгига, миллий ўзликни халқимиз тафаккур тарзига сингдирган феномен ҳодиса ҳам маънавият эди. Одамларимизда “Қорнимга эмас, қадримга ййғлайман” деган азалий қадриятни тиклаган, озодлик, эрк, мустақиллик каби муқаддас тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини аяллаган омил ҳам маънавият эди. Мамлакат мустақиллиги, юрт ободлиги, одамлар эркинлиги, шахс қадри каби юксак қадриятларни реал кучга айлантирган ҳам маънавият, маърифатдир.

Маънавият масаласи жамият тараққиётининг устувор йўналиши деб эълон қилинди. Одамларни совет даври ғоявий-мафкуравий зуғумларидан озод қилиш, уларнинг онгида шакланган мустабидлик тафаккур тарзини бартараф этиш, жамиятдаги ижтимоий кўркув ҳиссини йўқотиш борасидаги тизимли ишлар натижа бера бошлади.

Айниқса, 2017 йилдан кейин мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилган ишларни алоҳида қайд этиш керак. Уларнинг айримлари қуйидагилардан иборат: биринчидан, бугунги дунёнинг тобора глобаллашиб бориши шароитида маънавият борасидаги ишларнинг мутлақо янги тизими яратилди. Маънавият ишлари самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий-меъёрий базаси ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, бу борадаги ишларни тизимлаштириш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази, унинг ҳудудий бўлими ва бўлиномалари ташкил этилди.

Учинчидан, маънавият ва маърифат соҳасидаги ишларда турли бошбўдоқликларнинг олдини олиш, пала-партиш ишларни тартибга солиш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ташкил этилди. Бугунги кунда маънавий институт томонидан маънавий соҳадаги ишларни илмий таҳлил қилиш, соҳа самарадорлигини оширишнинг янги йўл-йўриқлари, замонавий усулларини яратиш бўйича жиддий ишлар қилинмоқда.

Тўртинчидан, ҳокимлик, вазирлик ва бошқа ташкилот ва муассасаларда маънавий-маърифий ишларни тартибга солишда муайян ютуқларга эришилмоқда. Президентимиз раҳбарлигида Республика маънавият ва маърифат кенгаши ташкил этилди. Ҳудди шундай, вилоят ва туман-шаҳарлар ҳокимлари раҳбарлигида ҳудудий кенгашлар фаолияти йўлга қўйилди.

Унутмаслигимиз лозимки, миллий тарбия ва маънавиятимизнинг чуқур илдизлари рутинизда туғилиб, ижод этган мутафаккир алломаларимиз илмий меросида ўз аксини топган. Бироқ тан олишимиз лозим, биз ҳали алломаларимиз миллий-маънавий меросини яхши ўрганмаганимиз. Шунинг учун ҳам маънавият, тарбия билан шуғулланувчи ташкилот, муассасалар, таълим-тарбия ўзоқларида алломаларимиз яратган асарларга муҳтожлик бор.

Шу маънода, яқинда Имом Бухорий, Абу Ҳафс Насафий, Сирожиддин Ҳўний, Имом Зандавастий, Алоуддин Самарқандий, Абул Муин Насафий каби 10 нафар алломанинг ҳаёти ва ижодида бағишланган рисоалар чоп этилишини муҳим воқеа сифатида қабул қилиш мумкин.

Дарҳақиқат, бугун дунёда содир бўлаётган тўс-тўполонлар, турли минтақа ва давлатлар ўртасидаги эндидаги ҳолатлар, мафбаатлар туқнашувлари тарбия ва маънавият масаласига алоҳида эътибор беришни талаб этмоқда. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрларига диққат қилиш керак деб ўйлайман: “Исоният тарихига назар солинса, дунёдаги қўллаб халқлар, аввало, ўзининг маънавий бирлиги ва миллий ўғани орқали юксалишга эришганга гувоҳ бўлиш мумкин. Маънавий ривожланиш бу — виждон, орномус ва адолатни муқаддас билиб, эл-юрт

нишининг ҳозирги босқичида ғоят зиддиятли, инсоният тақдирини кескин буришди даврига келиб қолди. Азалий-анъанавий қадриятлар ўринини фақат шахсий манфаат, айш-шўрат, ҳузур-ҳаловат майлларига йўғрилган “янги эътиқод ва ахлоқ” эгаллаётгани, ахлоқий қадриятлар миллат ва халқлар менталитетига мос келмайдиган ҳуқуқий меъёрлар билан алмаштирилаётгани, Ғарб тамаддунининг демография, миллий-этниқ ҳамда маънавий асослари емирилаётгани инсониятни жиддий муаммолар, ҳал этилиши жуда мураккаб бўлган ҳолатга олиб келмоқда.

Афсуски, бундай салбий ҳолатлар мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Маънавият танқислиги глобал муаммоларни келтириб чиқармоқда. Назаримизда, бу бало-қазондан қутулиб бўлмайдигандек. Чингиз Айтматов бу ҳақда шундай ёзади: “Айни чоғда миллий ахлоқ-оқоб, кўнимка, стратегик идеалларга мутлақо ёт бўлган ва ҳар кун муваффақиятли равишда тарғиб қилинаётган “бозор маърифати”, “янғича турмуш тарзи”, афсуски, одамлар онгига сингдирилляпти. Шундай кунларга ҳам етиб келдик. Яна бундан бешбаттар бўлади. Бу ҳам аччиқ ҳақиқат”.

Кейинги пайтларда инсоният тақдирини хавотирга тушган минглаб маърифатпарварлар, зиёлилар дунёни фақат ва фақат маънавият, маърифат қўтқаради, шунинг учун ҳам “маърифатли дунё”ни барпо этиш жаҳон афкор оммасининг энг устувор вазифаси бўлиши керак деб бонг урмоқда. Бироқ анъанавий, одамларни яхшилик, эзгулик, инсонпарварлик, самимийлик каби умуминсоний қадриятлар сари етаклайдиган “маърифатли дунё” ғоясига “бозор маърифати” тарафдорлари жиддий қаршилик кўрсатмоқда.

Ҳўш, “бозор маърифати” ғоясининг асосини? Бугунги дунёда ўзаро соғлом инсоний муносабатлар ўринини бешафқат, ўта агрессив, радикал туйғуларга бурканган номуссизлик, беҳаё нафс эҳтирослари, моддиятга қулиқ, тарбия ва маънавият жараёнини инкор этиш, ошқора адолатсизлик, тенгсизлик, халқаро ва миллий ҳуқуқий меъёрларга ҳўрматсизлик ва мамнанилик, инсон эотининг қадар-қийматини оёқоси қилишдек жирканч ахлоқий



муносабатлар назаримизда “бозор маърифати” ғоясининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Пул ва мулк фетишизми ҳар қандай самий инсоний туйғуларни четга улоқтирмоқда. Табиий, анъанавий қадриятлар ўринини суний, одамларни моддиятга қул қилишга, инсон қадар-қийматини бир чақа пулга сотиб юборишга тайёр қадриятлар эгалламоқда. Анъанавий, табиий қадриятлар эса суний идеаллар қаршисида ноҳор ва ҳўмосиз аҳволга тушиб қолмоқда. Табиий инсонпарвар ақл ўринини суний технократик ақл эгалламоқда. Бу эса инсониятнинг ҳадемай суний ақлнинг итоаткор қўлига айланиб қолиш эҳтимолини янада оширяпти.

Биз юқорида маънавият танқислиги ҳақида гапирган эдик. Дарҳақиқат, озик-овқат, кийим-кечак танқислигига чидаш мумкин, астойдил ҳаракат қилинса, уларнинг танқислигини бартараф олди бўлади. Тафаккур танқислигининг ҳам олдини олса бўлади. Бироқ маънавият, тарбия танқислигининг олдини олиш ўта мушкул. Тартибсизликка, ахлоқсизликка, давлат ва жамият томонидан қабул қилинган турли ҳуқуқий-меъёрий нормаларни бузишдан роҳат оладиган одамларни тарбиялашдан ҳам оғир масала бўлмаса керак.

Таниқли файласуф олиим Б.Тўраевнинг таъкидлашича, маънавият танқислиги инсоният тўллаган маънавий мерос дурдоналари қадрсизланишига, инсониятнинг ўз тарихий ўтмишидан бегоналашувига олиб бориши мумкин. Ҳуллас, маънавият, маънавий қадриятлар, маънавий мерос хавф остида қолмоқда. Уни сақлаб қолиш, маънавиятсизликдан асраш ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Маънавиятсизликка дучор бўлган инсоният учун миллат, ҳалқ, ватан манфаатлари орқича ташвиш ҳисобланади. Эътиқодсиз, миллатсиз, ватансиз уйлтракос-мополит шахслар тўдаси вуҷудга келади. Улар учун миллат, дин, ватанининг ҳеч бир қадар-қиймати йўқ. Бундай шахслар учун ўтмиш ҳам, тарих ҳам, келажак ҳам, маънавият ҳам, маънавий мерос ҳам кераксиз, орқича нарсасдир. Бундай шахсларда меҳрибонлик, меҳр-шафқат, ачиниш, қайғуриш, фахрланиш туйғулари бўлмайди.



Айримлар “оломон маданияти”, “бозор маърифати”, маънавият танқислиги каби ноҳуш масалалар ҳақида мустақиллик арафасида гапириш шартини деб ўйлаши мумкин. Қатъий фикримизча, гапириш, бу ҳақда бонг уриш лозим. Гап шундаки, ҳар қандай янги нараса, жумладан, “оломон маънавияти” аввалбошда ўз оҳанрабои билан барчани ўзинга тортади. Эътиқоди суст, миллий қадриятларимиздан хабари кам айрим ёшлар эса ўша мазмунсиз, маънавиятсизликни тарғиб қилувчи “ғоялар” олдида дарров таслим бўлади.

Келинг, фикримиз тўғрилигини исботлаш учун яна мустабид тузум томонидан тарбия соҳасида амалга оширилган “ислохотлар” ҳақида фикрлашсак. Ўша даврда ахлоқ мутлақо сиёсийлаштирилди. Қадриятлар тизимидagi сиёсий-ғоявий ва ахлоқий қадриятлар қўшиб юборилди. Шунинг учун бу даврдаги энг асосий шўро “Коммунизм ғалабаси учун хизмат қиладиган барча нарсалар — қадрият”дан иборат эди.

Мустабид тузум ўзбек халқи ахлоқий қадриятларини қатагон қилиш, айниқса, миллатни ватанпарварлик ғоялари билан сугоришига, хизмат қиладиган маънавий омилларни чеклашга алоҳида ўрин берди. Қадимий ахлоқий қадриятлар, миллий гурур ва халқнинг ғояларини ўзига акс эттирган, неча минг-минглаб мисраларни, жилд-жилд китобларни ташкил

жиҳатдан ҳушёр бўлиш, теварак-атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни теран таҳлил қилиш ва улардан сабоқ чиқаришни талаб этмоқда. Таъбир жоиз бўлса, мустақиллигимизнинг тақдирини, давлат ва миллат тараққиётини, истиқболдаги барча стратегик мақсадларимиз натижаси маънавият ва маърифат борасидаги сиёсатимиз ва унинг қай даражада амалга ошишига боғлиқ. Бироқ, бир томондан, миллий маънавиятимизга мустабид тузум даврида етказилган зиён-заҳматлар, бошқа тарафдан, бугунги долғали кунларда тобора кучайиб бораётган мафкуравий курашлар, одамлар онги, тафаккурини заҳарлашдан манфаатдор кучларнинг ҳаракатлари замонавий жамиятнинг янада кучли хавф-хатарга қўймоқда.

Шу ўринда маънавий ҳаётдаги турбулентлик ҳодисаси ҳақида айрим фикрларни билдиришни маъқул кўрдик. Турбулентлик ҳодисаси кўпроқ аниқ фанлар — физика, химё соҳаларига тегишли бўлса-да, бугунги кунда маънавий ҳодисани маънавият, тарбия борасида ҳам қўллашни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Турбулентлик лотинчада жўшқинлик, тартибсизликни англатади. Ҳозирги замонда тарбия, маънавият бўйича жараёнларда ана шу турбулентлик ҳолатини ҳар қадамада учратса бўлади.

Бироқ миллат ва давлат тақдирини ўз сиёсатининг асосий йўналишларидан деб билувчи ҳар қандай сиёсий куч мамлакат маънавий ҳаётини ўз-ўзиндан бўлаверадиган ҳодиса сифатида таълиқ қилиши мумкин эмас. Бу борада янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижобий ишларни алоҳида қайд этиш лозим.

Масалан, биз юқорида таъкидлаган маънавий-маърифий ишларнинг ягона тизим асосида олиб борилаётгани, давлатимиз раҳбарининг жамият ижтимоий-маънавий барқарорлигини таъминлашдаги муҳим ўрни, жойларда тарбия масаласига барча қатта ва кичик раҳбарларнинг мутаассиди этиб белгиланиши — буларнинг бари юртимизда ушбу масалалар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганидан дарак беради.

Афсуски, маънавиятдаги турбулентлик ҳолатининг айрим кўринишлари бизда ҳам учрамоқда. Масалан, бизи ижтимоий тармоқларда давлатнинг тарбия, маънавият соҳаларидаги фаолиятини шахс эркинлигига таъжовуз сифатида баҳолаш учраётти. Бу давлатнинг тарбия борасидаги фаолиятини инкор этиш билан баробар. Ўзбек миллий қадриятлари орасида маънавийлик масаласи ҳар доим устувор аҳамият касб этиб келган. Шахс тарбиясидаги индивидуализм ҳар доим инсоннинг жамиятдан бегоналашувига сабаб бўлади. Шунинг учун тарбия масаласига жамият, жамоатчилик муаммоси сифатида қаралган. Жамоатчиликнинг тарбия, маънавият масалаларига кучли эътибори бу жараёндаги турбулентлик ҳолатининг олдини олади. Тартибсиз тарбия жамиятнинг кушандасидир.

Тартибсиз тарбияни, турбулентлик ҳолатини давлатимизнинг тартибга келтирувчи омиллар жуда қўш. Шулардан энг муҳими, назаримизда, идеал шахс ва жамиятга интилиш масаласидир. Яқинда бир илмий анжуманда ана шу масала ҳусусида фикр билдириб, идеал, айниқса, маънавий идеал масаласи бугунги глобаллашув даврида инсониятни турли хавф-хатарлардан қўтқариб қолувчи муҳим омил эканини таъкидладим. Бироқ анжуман иштирокчиларидан бири “Идеал жамият ва шахс тўғрисидаги фикрлар бугун орқича, бундай “қизил гаплар” одамларни реал ҳаётдан узоқлаштиради”, деди.

Ақсарият иштирокчилар маънавият ва тарбияда идеал жамият ва шахс масаласи ҳеч қачон эскирмайдиган, жамият аъзоларини тараққиёт, баркамолликка, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, маънавий, маънавий, маънавий, миллий мазмунга эга хатарлардир. Назаримизда, бугун инсониятга, жумладан, мамлакатимиз тақдирини салбий таъсир кўрсатаётган хатарлар сирасида иқтисодий, ижтимоий, миллий, мафкуравий хатарларга алоҳида диққат қилиш керак.

Масалан, бугунги бозор муносабатлари шароитида иқтисодий хатар энг долзарб масалалардан бирига айланди. Одамлар ижтимоий онгида моддиятнинг энг устувор аҳамиятга эга бўлиб бораётгани туфайли “Ҳамма нарсани пул ҳал қиладди” деган ақида ёшларнинг аксарият қисмида уларнинг ҳаётини таъминлига айланмоқда. Натижада эътиқоди суст айрим ёшларимизда барча нарсаларни пул, моддият билан ўлчаш кўнимкаси шаклланипти. Бунинг энг хавфли жиҳати эса ундайларнинг миллат, жамият ва давлат манфаатларидан тобора узоқлашиб бориши, миллий ўзлик, маънавий қадриятларимиз, минг йиллар давомида шакланган тарбия ва маънавият тизимимизни онқидан очиқ инкор этишида кўринмоқда. Бундай хатарларнинг олдини олишнинг ягона йўли эса маънавиятга бериладиган эътибор билан боғлиқ.

Яна бир муҳим хатар тўғрисида гапирмасак бўлмайди. Бу бугунги мавжуд вазият туфайли содир бўлаётган ижтимоий хатардир. Бундай хатар қўлғича кўзга кўринмайди. У ҳар бир миллат ва давлатнинг ички сиёсатидаги ижобий ва салбий ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотларнинг жамият аъзоларига таъсири билан баҳоланади. Бугун янги Ўзбекистонни барпо этиш, маърифатли давлат қуриш, бу жараёнда халқимизнинг бевосита иштироки туфайли ижтимоий хатарнинг хавфи тобора камайиб бормоқда. Бироқ дунёдаги ўзгаришлар, жаҳон ахборот тизимининг юртимизга бевосита таъсири тафаккур тарзи саёз айрим ёшларни домига тортяпти. Бу эса ўша ёшларнинг жамиятдан бегоналашувни, миллий-маънавий қадриятларни назар-писанд қилмаслик ҳолатларини келтириб чиқармоқда.

Бизни, бутун янги Ўзбекистонни хавотирга солаётган хатарлардан яна бири — миллий мазмундаги хатар. Гап шундаки, бугунги дунёда “умумий уй”, “дунё одами”, “ягона халқ”, “устувор мақсад”, “гедонизм — завқ маънавияти”, “янги нараса эскисидан яхшироқ” каби ғоялар асосида миллий ўзликни йўқотишга қаратилган ҳаракатлар авж олмоқда. Бу жараёнда глобаллашувнинг салбий оқибатлари ҳам жуда катта. Тўғри, глобаллашув жараёнида умуминсоний муаммоларни қайд этиш, инсониятни турли хавфлардан оғоҳ этиш ва қўтқариш борасида қўллаб ишлар амалга оширилмоқда. Аммо глобаллашувнинг қатор салбий кўринишлари ҳам борки, улар тўғрисида гапирмаслик мумкин эмас.

Масалан, глобаллашув энди тўхтамайдиган, ҳар қандай воқеа-ҳодисага таъсирини ўтказмасдан қолмайдиган ҳодисага айланиб бўлди. Таъбир жоиз бўлса, глобаллашув ҳар қандай миллатни ўзликдан жудо қилди, миллий қадриятларини чиқариш қилиб ташлайдиган, перовуд натижада давлатлар ва миллатлар деган буюк қадриятларни йўқ қилишга олиб борадиган йўлди. Бу жараён “жаҳон кишиши” деб номланмадиган ғайриодатий, ёлғон ғоялар асосида келимоқда. Бундай хатарлардан қўтулишнинг ягона йўли — маънавият ва маърифат.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ҳар бир йилгили, аҳоли билан учрашувларда маънавият, унинг беқисс кучи ҳақида қўлнинг миллатида чарчамайпти. Ҳақиқатан, бугунги дунё таҳдидларига фақат тарбия, маънавият билангина қарши тура оламиз. Миллатни турли таҳдид ва хатарлардан асраб қолиш, мамлакатни янада тараққий эттириш, мустаҳкам ижтимоий-маънавий муҳитини яратишда маънавият каби ўлмас феномен ҳодисани аҳамияти тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораверади. Бу ҳақда гапирар экан, Президентимиз бундай дейди: “Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз янги тараққиёт даврига қадам қўйган бугунги кунда халқимиз, айниқса, фарзандларимиз онгида Ватанга муҳаббат, юртига келажакка даҳадорлик, тинч, эркин, фаровон ҳаётнинг қадрига етиш туйғуларини кучайтиришда маънавий-маърифий соҳалар вакиллари, маданият ва санъат наомиядларини ҳамда ижод аҳлининг ўрни ва таъсири беқиссдир. Биз бундай шарафли йўлда уларни ўзинимизга энг янги кўмачи ва маслакдош деб билиб, уларнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлашига таянамиз”.

Дарҳақиқат, муазам, биз учун ғоят муқаддас мустақиллик байрами арафасида жамият ижтимоий-маънавий муҳитини мустаҳкамлайдиган, барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлайдиган, одамларимизга самимийлик, инсонпарварлик ғояларини сингдирадиган, турли глобал хавф-хатарлар, мафкуравий таҳдидлардан асрайдиган ягона куч маънавиятдир. Маънавиятимизнинг бойлиги эса миллат ва давлат тараққиётининг кафолатидир.

4

2025 йил 13 август, 164-сон

www.yuz.uz

f

yuz.uznews

uz_official

yuz.uz_news

yuz.uz

Тараққиёт одимлари

НИГОХ

КОНИМЕХ

ҳаётбахш ислоҳотлар

масканига айланиб бормоқда

Ташаббуслар қанотида

ЖИЗЗАҲДА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК МАНЗАРАЛАРИ

Яқинда сайловчилар билан учрашиш, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Жиззаҳ вилоятга хизмат сафарига бордик.

Жиззаҳ вилояти иқтисодий жиҳатдан ривожланиб бормоқда. Бир вақтлар аграр соҳага ихтисослашган вилоятда бугун замонавий саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда, янгилари қуриляпти. Жиззаҳда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар кўпларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилмоқда. Туризм ривожланмоқда. Айниқса, Зомин, Бахмал, Форш каби тоғли ҳудудлар нафақат юртошларимиз, балки минглаб хорижлик меҳмонларнинг сеvimли масканига айланган. Вилоят ва туман марказларида бунёд этилаётган янги-янги турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, ишлаб чиқариш корхоналари, равон йўллар, ҳеч шубҳасиз, янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар самарасидир.

Отабек МУСУРМОҶОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Мисол учун, вилоятнинг 2016 йилги ялпи ҳудудий маҳсулоти 7,7 триллионни ташкил этган бўлса, 2024 йили 43,1 триллион сўмга етган. Шу рақамлардаги катта фарқдан ҳам сўнгги йиллардаги ислоҳотлар натижасини англаш мумкин.

2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида Жиззаҳ вилоятида саноат, сервис ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида жами 200 та лойиҳа ишга туширилди. Улар доирасида вилоятга 662 миллион АКШ долларини миқдоридан инвестиция жалб қилинди. Инвестицияларнинг бундай саломатлиги ҳақда ўзлаштирилиши ҳудудда иқтисодий фаоллик ошганидан далолат беради. Бу сармоя ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, технологияни янгиланишларини жадаллаштириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда умумий иқтисодий ўсишини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Йил охиригача 2 миллиард доллар сармоя жалб этиш, экспортни 285 миллионга етказиш ва 168 минг аҳоли бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Энг муҳими, бундай улкан иқтисодий юксалишлар аҳоли ҳаётида, дунёқарашида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Аҳоли турмуш шaroитини ўрганиб, улар билан суҳбатлашиб, бунга шахсан амин бўлдим. Жиззаҳ шаҳри касбий кўникмалар маркази директори Шерзод Тошмўлатов Президентимизнинг Зомин технопаркига ташрифидан сўнг электротехника соҳаси бўйича ўқишга талаб ошганини айтди.

Ҳа, ҳали тамал тоши қўйилганига энди бир йилдан ошган мазкур технопаркда ҳозир юзлаб, келажакда минглаб юртошларимиз, ёшлар иш билан таъминланади.

“Зомин технопарки” махсус саноат зонасида умумий қиймати 1 миллиард

натижасида ҳудудда янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, вилоятда мавжуд долзарб муаммолардан бири бўлган ишсизликни сезиларли камайитириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадлар даражасини ошириш имконини беради. Шунингдек, вилоятга инвестиция оқими ортиши билан бирга илғор хорижий технологиялар ҳам кириб келмоқда. Бундай технологик янгиланишлар ишлаб чиқариш самардорлигини таъминлаш билан бирга махсулот ва хизматлар сифатини яхшилашда ҳамда уларни хорижий бозорга олиб чиқиш имконини кенгайтиради.

Инвестициялар фақат иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш эмас, балки молиявий барқарорлиқни таъминлашда ҳам муҳим омили. Жумладан, янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятлари натижасида вилоят бюджетига қўшимча солиқ тушумлари шаклланимоқда. Бу эса муҳим маҳаллий ижтимоий лойиҳаларни молиялаштиришга замин яратяди.

Ушбу ижобий иқтисодий суратларни сақлаб қолшиш ва ислоҳотлар самардорлигини янада ошириш мақсадида Жиззаҳ вилоятида “Исloҳотлар штаби” ташкил этилди. Унинг воситасида ислоҳотларни тизимли, тезкор ва назорат остида амалга оширишга хизмат қиладиган самарали бошқарув механизми яратилмоқда. Штаб орқали ислоҳотлар аниқ “йўл харитаси” асосида режалаштирилади, уларнинг бажарилиш мuddати, масъул ижрочилари ва кутиляётган натижалари белгилаб олинади. Шунингдек, ушбу штаб ташаббусларини жойида мувофиқлаштириш, реал муаммоларни тезкор ҳал этиш ва ижро интизомини кучайтириш каби вазифаларни ҳам бажаряди.

Умуман олганда, Жиззаҳ вилоятида кузатилаётган иқтисодий юксалиш, йирик ҳажмдаги инвестиция оқими ва ислоҳотлар бошқарувини мустаҳкамловчи механизмлар жорий қилиниши ҳудудий тараққиётда янги босқични бошлаб берди. Бу жараёнлар нафақат ҳозирги иқтисодий кўрсаткичларни яхшилайдиган, балки узоқ мuddатли барқарор ривожланиш учун ҳам муҳим замин яратяди.

Жиззаҳ вилоятида бугун электрон муҳандислик ва машинасозлик каби юқори қўшимча қиймат яратадиган тармоқларга ресурслар йўналтириляпти. Шу орқали иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ислоҳ қилиш жадал суръатда давом эттирилмоқда. Жумладан, миллий брендлар остида янги махсулотлар ишлаб чиқариш орқали Ўзбекистонни минтақавий электротехника хабиға айлантиришда Жиззаҳ вилояти муҳим ўрин тутяди.

Янги ишлаб чиқариш объектлари, замонавий заводалар ва хизмат кўрсатиш марказлари ишга туширилиши

НИГОХ

КОНИМЕХ

ҳаётбахш ислоҳотлар

масканига айланиб бормоқда

Ташаббуслар қанотида

Навоий вилояти ҳудудида жойлашган бепоен Қизилқум саҳросини кезаркансиз, у ердаги шаҳару овулларда ҳам бугунги жадал ислоҳотлар нафасини туяси. “Қизилқум дарвозаси” дея таърифланадиган Конимех туманида ҳозир 40 минг киши истиқомат қилады. Туман ҳақида сўз юритганда, асосий урғу энди унинг чўл эканига эмас, балки ҳудудда янада кенг имкониятлар яратилиб, ривожланаётганига қаратилмоқда. Зеро, бу ердаги ўзгаришлар туфайли аҳоли учун янги ҳаёт ва имкониятлар эшиги очилаётир. Қишлоқ ва овуллар равон йўллар билан боғланмоқда, янги таълим ва тиббиёт муассасалари қуриляпти, мавжудлари таъмирланмоқда. Бу эса аҳоли фаровонлашиши билан бир қаторда ижтимоий соҳалар ва маҳаллий иқтисодиёт ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Туманининг асосий драйверларидан бири — чорвачилик. Бугун мазкур соҳада ҳам замонавий ёндашувлар жорий этиляпти. Интенсив чорвачилик кластерлари, махсулотни қайта ишлаш цехлари, логистика ва экспорт имконияти кенгаймоқда. Шу билан бирга, кичик бизнес ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлиги таъминланяпти. Сўнгги йилларда туманда кичик бизнес субъектларига яратилаётган шарт-шaroитлар самараси ўлароқ, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам кенгаётир. Ёшлар, хотин-қўпроқни ташкил этди. Бу йўналишларнинг барчасида ўтган йилларга нисбатан ўсиш кузатилган. Ҳудуддаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг туман иқтисодиётидаги улуши айни вақтда ўртача 45 фоиз ҳамда экспортдаги улуши 80 фоизга етди.

Конимех туманидаги ҳар бир маҳалла ва овул ўзинга хос урф-одатлари ва меҳнатсевар одамлари билан ажралиб туради. Аҳоли манзилларида миллий қадриятлар ва замонавий ҳаёт тарзи уйғунлашгани намоён бўлады. Меҳмоннавоз кўпроқни ташкил этди. Бу йўналишларнинг барчасида ўтган йилларга нисбатан ўсиш кузатилган. Ҳудуддаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг туман иқтисодиётидаги улуши айни вақтда ўртача 45 фоиз ҳамда экспортдаги улуши 80 фоизга етди.

Қорвачилик билан шугулланувчи бир гуруҳ тадбиркорлар Конимех тумани ҳокими раҳбарлигида Мўғилистонда хизмат сафарига бўлиб қайтган эди. Жараёнда гўшт ва юнг етиштириш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилиб, қатор лойиҳалар борасида келишувга эришилди.

Ушбу ҳамкорлиқнинг биринчи босқичида Конимех туманига баят зотли 1000 бошга яқин қўй олиб келинди. Тирик вази 70-80, қўчқорлариники эса 100-120 килограммга етди. Гўшт чиқими эса тирик вазига нисбатан 60 фоизни ташкил этади. Улар туман яйловларига ва иқлим шарoитига тез мослашувчан бўлиб, яйловлардан самарали фойдаланиш орқали чорвачилик махсулотларини етиштириш ҳажминини оширишда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга янги иш ўринлари очилишига хизмат қилады.

Чорвани тўғри ва тартибли боқиш мақсадида қувватли, дағал озуқалар захираси яратилиб, ветеринария-санитария чоралари қўрилган, тажрибали мутахассислар, соҳа олимлари бириктирилган. Чорвани олиб келиш жараёни давом этмоқда. Ҳозир қўйлар сони 6000 бошга яқинлашди. Келгусида уларни 50 мингга етказиш режалаштирилган.

— Туманда жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 500 миллиард сўмлик саноат, 550 миллиард сўмликдан зиёд қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқарилди, — дейди Конимех тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Элдор Ҳазратқулов. — Шунингдек, 100 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш ишлари бажарилди. Хизматлар қиймати 220, экспортники 7 миллиард сўмдан

лик, самимият ва бағрикенглик аҳоли ҳаёт тарзига сингиб кетган. Ҳар бир ҳудудда ўзинга хос маданий қадриятлар сақланиши билан бирга чорвачилик, ҳунармандчилик ва кичик бизнес ҳамоханг юксалаётгани маҳалла, овулларнинг тараққиёт ва маънавий масканига айланиб бораётганидан дарак беради. Туман марказидаги Шўртпеа, Наврўз ва Бирлик маҳаллаларида яшаётган қатор намунали оилалар бор. Уларнинг сайё-ҳаракати нафақат рўзғори фаровонлигига, балки ҳудуд ривожига ҳам муносиб хизмат қилмоқда.

Бугун туманда аҳолининг гўшт махсулотларига талабини қоплаш, камбағалликни қисқартириш, ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллалар ҳудудидан ўтган зовур ва коллекторларда ўрда боқиш ташаббуси илгари сурилмоқда. Шунингдек, асарачилик тармоғига йўналтирилаётган субсидиялар ҳам самара берапти. Эл дастурхонини ободлигини таъминлашга ҳисса қўшаётган бундай оилалар сафи тобора кенгаёётгани янада қувонарли.

— Асарачиликни турмуш ўртоғим билан бирга бошлаган эдик, — дейди Шўртпеа маҳалласида истиқомат қилувчи Дилафрўз Хайдарова. — У киши оламдан ўтгандан кейин ҳам оиламизни доимий даромад билан таъминлаш мақсадида асарачиликни давом эттиряпман. Ҳозир 40 қути асалари парварилляпман. Келгусида улар сонини янада кўпайтиришни режалаштирганман. Шу мақсадда айни вақтда банкдан кредит олдим ва ишимизни ривожлантириш бўйича зарур шарoит яратямиз. Буюртмачиларимиз бор. Ҳар йили уларга асал етказиб берамиз. Даромадимиз яхши. Шу ишимиз ортидан фарзандларимни ўқитяпман. Мухими, рўзғоримиз тўқис бўлишига ҳаракат қиляпмиз.

Бандлик

Бугун ҳудудларнинг иқтисодий ривожига Сайхунбод, Зарбдор, Ёйдувон ва Уйчи тажрибаларининг ўрни катта бўляпти. Хусусан, Сурхондарё вилоятида ҳам Уйчи тумани тажрибаси асосида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, камбағал қатлами кискартириш, ишсиз ва норасмий банд бўлган ёшларни иш ўринларига жойлаштириш борасида кенг қўлмал ишлаб бажарилмоқда. Дастлаб аҳолининг барча қатлами хатловдан ўтказилди. Шу асосда ишсиз, норасмий банд бўлган фуқаролар рўйхати шакллантирилди. Шундан сўнг кўплаб ишсизлар доимий ишга жойлаштирилмоқда. Норасмий даромадга эга фуқароларни soliq.uz платформасидан ўтказиш ҳисобига камбағаллик даражаси сезиларли камаймоқда.

— Уйчи тажрибаси асосида камбағаллик даражаси юқори бўлган маҳаллалар танлаб олинди. Улардаги ижтимоий реестрда турган, аммо меҳнатга лаёқатли, расмий даромадга эга бўлмаган аҳоли қатлами даромадли қилиш

СУРХОНДАРЁДА

УЙЧИ ТАЖРИБАСИ

ОММАЛАШМОҚДА

мақсадида манзилли ишлар қилинди. Бу эса натижасини кўрсатяпти, — дейди банк ходими Нормухаммад Дўрмонов. — Уйчи тажрибаси ўзи нима деган саволга бундай жавоб берамиз: тадбиркорлик қилиш истагидаги аҳоли билан манзилли ишлаш учун ҳудудларга туман ҳокимликлари бириктирилган. Бунда ҳоким инфратузилма масаласини ҳал қилады. Тижорат банклари эса молиявий кўмак беради. Мутасаддиларга тадбиркорлар билан манзилли ишлаш ҳисобига йил якунигача аҳоли бандлигини таъминлаш юклатилган.

Сурхондарёда 200 маҳалла банкири ва 724 ёрдамчи агент фаолияти йўлга қўйилган. Бу Уйчи тажрибаси асосидаги ишларнинг вилоятдаги самардорлигини оширишга хизмат қиляпти. Таҳлил этилса, ўтган йилда воҳода банк миқозлари билан 596 марта учрашув ўтказилган. Натижада 6010 миқознинг мурожаати ижобий ҳал этилган.

Бу ишлар самарасини Денов тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Туманда воҳа аҳолисининг тўртдан бир қисми яшайди. Ушбу мисолнинг ўзиёқ ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш ўзинга яраша мураккаб ва муҳим вазифа эканини кўрсатади. Шу боис, ҳудудда мазкур йўналишда комплекс ишлар бажарилмоқда. Жумладан, Уйчи тажрибаси асосида Деновни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш, миграция ва камбағалликни кескин қисқартириш, аҳоли даромадини ошириш ҳамда томоракдан самарали фойдаланишни ташкил этиш чоралари қўриляпти. Тажриба асосида туманда драйвер ва стартап лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, яқинда ҳудуддаги тадбиркорлардан бири 1,2 миллиард сўмлик кредит олди ҳамда пенопласт ишлаб чиқариш заводини ишга туширди. Натижада 10 та янги иш ўрни очилди. Шунингдек, тумандаги Баҳористон маҳалласида умумий қиймати 150 миллион сўм бўлган тадбиркорлик субъекти иш бошлади.

— Маҳалламиз аҳолисининг қоплиқ нонга эҳтиёжини таъминлаш мақсадида оилавий тадбиркорлиқни йўлга қўйдик. Мурожаатимизга жавобан банк томонидан 100 миллион сўм кредит берилди. Шу асосда қоплиқ нон ишлаб чиқара бошладик, — дейди тадбиркор Отабек Эшқобилов. — Корхонамизда йилга 360 тонна ун қайта ишланади. Махсулот ишлаб чиқариш жараёни хорижий технология асосида бажарилади. Келгусида фаолияти-мизни янада кенгайтирмоқчимиз.

Деновда бўлганлар яхши билади: “Қўзи-чоқли” ёшлар ва тадбиркорлик саноат ҳудуди кейинги йиллардаги йирик лойиҳалардан бири бўлди. Бу ҳудуддаги умумий қиймати 5 миллиард сўмдан зиёд корхонада замонавий технология асосида қозғ қути ишлаб чиқаришмоқда. Субъектнинг фаолияти ҳам қўллаб-қувватланиб, тижорат банки кредити берилди. Мазкур саноат зонасида ташаббускор тадбиркор томонидан ғилоф ишлаб чиқариш тармоғи ҳам очилди. Корхонада меҳнат қилаётган маҳаллий хотин-қизларнинг аксарияти ижтимоий дафтарларда рўйхатда туради. Улар ҳар кунни буюртма асосида 100 донагача махсулот ишлаб чиқаряпти. Демак, даромад ҳам шунга яраша.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси ташаббуси билан Денов хотин-қизлар тадбиркорлик маркази ташкил этилган. Миллий ҳунармандчилик намуналарини ишлаб чиқаришга мослаштирилган бу оилавий корхонага 100 миллион сўм кредит ажратилди.

— Корхонамизда ишларни 3 босқичда ташкил қилиш белгиланган. Шу асосда

айтиш керак, “Уйчи тажрибаси” оилаларни тадбиркорликка ундаб, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлашдек муҳим масалалар ечимида қўл келяпти.

Туманда “Уйчи тумани” тажрибасини жорий этиш борасидаги ишларни эшик-ром ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Denov Durdona ABZ”, мебель ишлаб чиқарадиган

ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг бандлиги таъминланяпти. Ҳозир ишсиз, уйда ўтирган 350 аёл-қиз фаолиятга кенг жалб этилиб, касаначилик тартибиди тикувчилик билан банд қилинган, — дейди тадбиркор Нарғиза Тошбўтаева. — Корхонамиз ишчиларига иш ҳажмига қараб 700 минг сўмдан 1 миллион сўмгача ҳақ тўланади. Тўғриси

“Gold mebel”, гипс махсулотлари ва сунъий гул безаклар тайёрловчи “Мега мастер Денов” корхоналари фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Шуҳрат БОЙМУРОДОВ,
Тошкент давлат тиббиёт
университети ректори

Бошланиши 1-бетда

Хукуқий асос сифатида 35 та олий таълим муассасасига молиявий ва академик мустақиллик берилгани тизимда ташаббус ва эркинлик муҳитини яратди. Бозор иқтисодиёти талабларига мос кадрлар тайёрлаш, инновацион таълим технологияларини кенг жорий этиш ва миллий таълим тизимини халқаро стандартларга интеграция қилиш жараёни жадаллашди. Натижада олийгоҳлар ўз ривожланиш стратегияларини мустақил белгилаш, молиявий ресурсларини самарали бошқариш ва меҳнат бозорида талаб юқори йўналишларда мутахассислар тайёрлаш имкониятига эга бўлди.

Йилгиликда тўпланган тажриба асосида битирувчилар бандлигини таъминлашда янги қондаларни жорий этиш тақдирини илгари сурилди. Хусусан, энди “ўзини ўзи банд қилган” сифатида рўйхатга олинган шахслар ишга жойлашганлар қаторида ҳисобга олинмади. Бу орқали иш билан таъминлаш статистикаси реал меҳнат бозори талабларига яқинлашди, битирувчиларнинг билим ва кўникмалари эса тўғридан тўғри иш жойида қўлланишини таъминлади.

Олий таълим муассасалари ректорлари ваколати кенгайтирилди. Энди ректорлар ўз ўринбосарларини мустақил тайинлайди, номзодлар эса олийгоҳ кенгашида йиллик дастурларини ҳимоя қилади. Шу билан бирга, ректорлар белгиланган молиялаштириш ва штар бирликлари доирасида профессор-ўқитувчилар ҳамда бошқарув ҳодимлари таркибини шакллантириш, йўналиш ва ихтисосликдан келиб чиқиб, супер контракт миқдорини табақалашган тарзда белгилаш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий таълим бўйича ўтказилган барча йилгиликда ёшларимиз ҳаёти, билим олиши, академик фаолияти доимо Президентимизнинг диққат марказида туради. Бу гал ҳам шундай бўлди: абитуриентлар учун янги имконият яратилгани маълум қилинди. Гап шундаки, энди абитуриент ўзи танлаган бешта олийгоҳдан бирортасига кириш учун етарли балл тўлай олмаса, аммо унинг натижалари бошқа олийгоҳдаги бўш ўринга мос келса, ўша олийгоҳ ректори уни контракт асосида ўқишга қабул қилиши мумкин. Бу тизим, айниқса, тиббиёт соҳасида талаб

юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Чунки тиббиётда ҳар бир йиллик қабул жараёни ортида мамлакат соғлиқни сақлаш тизимининг стратегик эҳтиёжлари ётади. Қолаверса, чекка-чекка туманлар, қишлоқ ва овуларга ўз жойидан чиққан малакали кадрлар тайёрлаб бериш имконияти туғилади.

Янги ўқув йилидан олий таълим тизимидаги мазкур ислохотлар нафақат иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун рақобатбардош кадрлар етиштиришга, балки тиббиёт, фармацевтика ва тиббий муҳандислик соҳаларида халқаро стандартларга мос, илгор билим ҳамда кўникмага эга мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади. Бу эса мамлакатда соғлиқни сақлаш сифати ва самарадорлигини ошириш билан бирга миллий тиббиёт санатининг инновацион ривожланиш босқичига ўтиши учун мустаҳкам пойдевор яратди.

“Янги Ўзбекистон” университетидега самарали қўланаётган замонавий баҳолаш тизими барча олий таълим муассасаларида жорий этилади. Мазкур тизим молиялаштириш жараёнини натижавийликка боғлайди ва университетларнинг асосий кўрсаткичларини аниқ мезонлар асосида баҳолашни назарда тутди. Бинобарин, битирувчиларнинг бандлик даражасига 40 балл, илмий тадқиқотлар бўйича тармок бюортмалари ва ишланмаларни тижорийлаштиришга 30 балл, илмий салоҳият ҳамда халқаро нуфузли журналларда мақолалар чоп этилганлик ҳолатига 20 балл, маҳаллий ва хорижий грантларни жалб қилишга эса 10 баллгача берилади. Шу тариқа умумий 100 баллик баҳолаш тизими орқали университетлар фаолияти комплекс таҳлил қилинади.

Бу тизим олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёни сифатини таъминлаш билан бирга амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, инновацион ечимларни ҳаётга татбиқ этиш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади. Университетлар энди молиялаштиришда кўпроқ балл тўплаш учун меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлаш, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш ва халқаро лойиҳаларда фаол иштирок этишга интилади.

Йилгиликда, шунингдек, яқин йилларда Ўзбекистонда қиймати 83 миллиард долларга тенг йирик sanoat ва инфрагузилма лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилгани маълум қилинди. Ушбу лойиҳалар натижаида фақат sanoat соҳасининг ўзиде 500 мингта яқин юқори малакали мутахассисга эҳтиёж пайдо бўлиши прогноз қилинмоқда. Салмоқли кўрсаткичлар тиббиёт соҳасининг салоҳияти сезиларли даражада ўсишини аналатади. Шу билан бирга, меҳнат бозорида янги авлод кадрларига талаб кескин ортгани, олий таълим муассасалари олдида бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган, амалий кўникмаларга эга мутахассислар тайёрлаш вазифаси тургани ёрқин намоён бўлади.

Тизимда 316 нафар ёки 9,1 фоиш битирувчи ҳозир расман банд эмас. Улар таркиби таҳлил қилинганда 6,9 фоиш (241 нафар битирувчи) декрет таътилида экани, 0,8 фоиш (28 нафари) магистратура ёки ординатурага ҳужжат топширгани учун иш бошламагани, 1,3 фоиш (47 нафари) эса хорижга стажировка, таълим ёки иш мақсадида чиққани аниқланган.

Шу ўринда тиббиёт таълимидаги жадал ислохотларга бир эс тўхталсак. 2024/2025 ўқув йилида Тошкент давлат тиббиёт университети битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги иштироки ортмоқда. Хусусан, якунига етган ўқув йилида университети 3504 талаба муваффақиятли таомлади. Уларнинг 3188 нафари, жумладан, 162 магистр иш билан таъминланган. Умумий бандлик даражаси 90,9 фоишни ташкил этган. Уларнинг 58 фоиш давлат



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

тиббиёт муассасаларида, 32,9 фоиш эса хусусий тиббиёт ташкилотларида иш бошлагани соғлиқни сақлашнинг барча сегментини малакали кадрлар билан таъминлашда универсал тайёргарлик ва бозорга мослашувчанлик амалиётидан далолат беради. Давлат гранти бўйича таҳсил олганлар билан тўрт томонлама, тўлов шартнома асосида ўқиганлар билан эса уч томонлама шартномалар асосида меҳнат муносабатлари расмийлаштирилгани кадрлар тақчиллигини тизимли бартараф этишга ҳисса қўшмоқда.

Тизимда 316 нафар ёки 9,1 фоиш битирувчи ҳозир расман банд эмас. Улар таркиби таҳлил қилинганда 6,9 фоиш (241 нафар битирувчи) декрет таътилида экани, 0,8 фоиш (28 нафари) магистратура ёки ординатурага ҳужжат топширгани учун иш бошламагани, 1,3 фоиш (47 нафари) эса хорижга стажировка, таълим ёки иш мақсадида чиққани аниқланган.

Умумий битирувчиларнинг 1259 нафари (36,8 фоиш) магистратура ва клиник ординатурага ҳужжат топширган, уларнинг кўпини ишлаш билан бир вақтда ўқиб ниятда. Бу ҳолат тиббиёт кадрларининг узлуksиз малака ошириши ва илмий-амалий тайёргарлигини чуқурлаштириш тенденциясини яққол намоён қилади.

Президентимиз илгари сурган илмий-инновацион ғоялардан келиб чиқиб, Тошкент тиббиёт университети ўз таркибиде Сунъий интеллект лабораторияси марказини ташкил этиш бўйича аниқ ва амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Мазкур марказнинг асосий мақсади замонавий тиббиётни илгор рақамли технологиялар билан уйғунлаштирган ҳолда инновацияларни амалиётга жорий этиш учун амалий тадқиқот ва тажриба майдонини яратишдан иборат. Лабораторияда магистрлар, докторантлар ва илмий изланувчилар устоз-шогирд аъёнасига таянган ҳолда тиббиёт соҳасида қўлланиши мақсад қилинган, шунингдек, мустақил яратилган тиббий қурилмаларни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш имкониятига эга бўлади. Шу мақсадда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш, сунъий интеллект соҳасида стартаплар ва илмий лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда келгусида амалиётга жорий

қилиш Тошкент тиббиёт университетининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди. Синов жараёни муваффақиятли аяқуланган, патент олиш орқали ишланмалар ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади ва тизимли ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Бундай тиббий-техник маҳсулотлар нафақат маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимининг ускуна ва технологияларга эҳтиёжини қоплаш, балки халқаро бозорга экспорт қилиш имкониятини ҳам кенгайтиради.

Тошкент тиббиёт университетида ҳам тиббиёт муҳандислигига ихтисослашган илмий-техника технопарки шаклланади. Аъёнавий муҳандисликдан фарқи равишда унда соҳага хос инновацион ечимларга эга тиббий жиҳозлар, юқори аниқликдаги тиббий ускуналар ва рақамли диагностика воситалари ишлаб чиқилади. Шу орқали тиббиёт таълимнинг назарий ва амалий таркиби илгор муҳандислик ишланмалари билан бойийди.



Талабалар эса таълим жараёнида ҳақиқий ишлаб чиқариш ва тадқиқот муҳитида тажриба орттиради. Натижада мамлакатимизда тиббиёт, муҳандислик ва сунъий интеллект соҳалари уйғун ривожланади. Инновацион салоҳиятга эга янги авлод мутахассисларини тайёрлаш учун мустаҳкам академик ва технологик платформа яратилади. Бу эса Ўзбекис-

тоннинг глобал илмий-техник тараққиётдаги нуфузини мустаҳкамлайди, тиббиёт соҳасида юқори технологияли маҳсулотлар экспортда янги бозор эшикларини очади.

Йилгиликда талабаларнинг билим ва амалий кўникмалари иккинчи курсдан сўнг уларни ишга жалб қилиш истагида бўлган инвесторлар иштирокида йиллик баҳолашни таъкидланди. Янгича баҳолаш жараёни натижалари битирувчиларнинг диплом ишига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Чунки улар лойиҳада белгиланган аниқ муаммоларни ечиш асосида илмий иш ёқлайди. Натижада битирувчиларнинг малакаси иш берувчи талабига тўлиқ мос келади ва улар қафолатли равишда ишга жойлаштирилади. Янги тизим меҳнат муносабатларида ҳам хусусий сектор учун рағбатлантирувчи механизм сифатида хизмат қилади. Хусусан, битирувчини ишга олган корхоналар тадбиркорлик фаолиятининг миллий рейтингиде қўшимча балл олади. Бундай жараён, албатта, хусусий сектордаги шифохоналар ва бошқа субъектларга ҳам жорий қилинади. Йилгиликда белгиланган чора-тадбирлар, айниқса, тиббиёт таълимининг келгуси ривожланиш иштиқболлари учун улкан аҳамият касб этади. Чунки тиббий йўналишларда кадрлар тайёрлаш жараёнида назарий билим ва амалий машғулотлар ўзаро боғлиқ бўлиб, талабаларнинг академик салоҳиятини реал тиббий амалиёт билан уйғунлаштириш самарадорлигини кескин оширади. Янги тизимда йирик тиббиёт кластерлари ва замонавий клиникалар учун махсус модуллар жорий этилиши, тиббий муҳандислик, биотиббиёт ускуналари дизайни, рақамли диагностика, клиник тадқиқотлар методологияси каби йўналишлар замонавий соғлиқни сақлаш соҳасининг стратегик эҳтиёжларига тўғридан тўғри жавоб беради.

Талабалар бу модулларни пухта ўзлаштирган ҳолда иккинчи курсдан сўнг клиник базаларда амалий тайёргарликдан ўтади. Уларнинг билим ва кўникмалари инвесторлар иштирокида баҳоланади. Диплом ишларининг мавзуси эса реал тиббиёт лойиҳаларидаги аниқ муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилади. Бу орқали битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги бозор талабларига тўлиқ мос келади, уларнинг ишга жойлашшини эса қафолатланади.

Шу билан бирга, миллий соғлиқни сақлаш тизими илгор технология ва инновацион ечимлар асосида янги босқичга кўтарилади. Иштиқболда ушбу ислохотлар натижаида тиббиёт таълими ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, “университет — илмий инновацион фаолият — тижоратлаштириш — амалиёт” боғлиқлиги асосида янги кадрлар тайёрлаш экотизмини шаклланади. Бу экотизим тиббиёт соҳасида юқори технологияли маҳсулотлар яратиш, уларни маҳаллий ва халқаро бозорга олиб чиқиш, тиббиёт муҳандислиги технопарклари фаолиятини кенгайтириш ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ВА ИЛМ-ФАН ИНТЕГРАЦИЯСИ

Юксалиш палласи

Муҳаммадjon ДАДАМИРЗАЕВ,
физика-математика фанлари
доктори, профессор



Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш, хусусан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳаракат хавфсизлиги назоратини кучайтириш борасида кенг қўлламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз раислигида жорий йилнинг 9 июль куни йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, инфрагузилмасини яхшилаш ва тирбандликларни камайтириш чора-тадбирлари муҳокама қилиниб, бу борадаги долзарб вазифалар белгиланди. Шундан келиб чиқиб, Наманган давлат техника университетида вазифалар ижроси доирасида

маяйан ишлар қилинмоқда. Хусусан, университет олимлари шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда Наманган шаҳрининг транспорт ва йўл инфрагузилмасини ривожлантириш бош режасини ишлаб чиқмоқда.

Ҳамкорлик доирасида шаҳарда жамоат транспорти самарадорлигини ошириш, янги йўналишлар ишлаб чиқиш, кўчаларда тирбандликларни камайтириш, велоспорт йўлакларини кўпайтириш, тартибсиз авто-транспортларга барҳам бериш, туманлардан шаҳарга кириб келиш йўллари кенгайтириш, ер ости ва ер усти пидедалар ўтиш жойларини ташкил этиш, йўл ёқасидаги авто-транспортлар сонини кўпайтириш, кўп қаватли

автотураргоҳлар очиш, йўл ўтказгичлар барпо этиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Чорсу бозори олдидаги айланма ҳаракатини ташкил этиш, Сардоба бозори ёнида йўл ўтказгич, бош бекат қуриш, Наманган шаҳри кўчаларида бир томонлама ҳаракатини ташкил этиш, янги автобуслар учун йўналишлар тармоғи, махсус йўл қисмлари ушбу лойиҳа мақсулдири.

Университет олимлари лойиҳа доирасида хорижлик мутахассислар билан яқин алоқа ўрнатган. Германиянинг “PTV Group”, Россиянинг “Simetra” компаниялари шулар жумласидан. Вакилларимиз Санкт-Петербургда “Simetra” компанияси мутасаддилари билан учрашиб, ушбу мегаполисда йўл-транспорт инфрагузилмаси ҳолатини ўрганиб қайтди.

Шунингдек, Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида “Транспортни режалаштириш ва транспорт оқимларини моделлаштириш” мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда олимларимиз тадқиқот ишлари билан қатнашиб, халқаро тажрибалар билан ўртоқлашди.

Университетда “Фарғона водийида хавфсиз ҳаракатланиш таъминлаш: муаммо ва ечимлар” ва “Транспорт ва йўл муҳандислиги истиқболлари ва муаммолари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференциялар ташкил этилди. Тадбирларда Германия, Беларусь, Россия, Қирғизистон, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг йўл ҳаракатини ташкил қилиш ва ҳаракат хавфсизлиги соҳаларида фаолият юритаётган етакчи олий таълим муассасалари ва ташкилотлари вакиллари иштирок этди.



Олимларимиз автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш, эксплуатация қилиш, корхоналардаги муаммоларни бартараф этиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда. “Қамчикавтоёйўл” ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси бюортмасига асосан, ер ости сувлари таъсирида таъмир-талаб бўлган автомобиль йўллари инновацион усулда жорий таъмирлаш технологияси ишлаб чиқилган. Ҳозир ушбу илмий тадқиқот натижаси Қамчик довинидаги тоннелларнинг бир қисмида қўлланди.

Бугунги кунда Наманган давлат техника университетида транспорт воситалари муҳандислиги, йўл муҳандислиги ва йўл ҳаракатини ташкил этиш каби таълим йўналиш-

ларида 1500 дан зиёд талаба таҳсил олмақда. Жорий йилда улардан 570 нафари мустақил ҳаётга йўланма олди.

Назарий таълимни амалиёт билан ривожлантириш, амалдаги муаммо ва долзарб масалалар ечимини топиш мақсадида вилоятимиз ҳамда республикамиздаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

“Қамчикавтоёйўл” ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси, Наманган вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси, Наманган вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Транспорт бошқармаси, Автомобиль ва сув транспортини назорат вилоят ҳудудий бўлими, “Ватанпар-

вар” ташкилоти Наманган вилояти кенгаши, “Турон-95” масъулияти чекланган жамияти шулар сирасидан. Талабаларимиз ишлаб чиқариш амалиётларини ушбу корхона ва ташкилотларда ўтаб келмоқда.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва “Турон-95” масъулияти чекланган жамияти биноларида кафедра филиали ташкил этилиб, ўқув хоналари жиҳозланиб, машғулотлар ўтказилмоқда.

Йўл муҳандислиги бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун “Наманган йўл ҳўжалиги ҳодимлари малакасини ошириш ўқув маркази” ДМ биносиде кафедра филиали ташкил этилиб, машғулотлар йўлга қўйилган.

Талабаларимиз Наманган шаҳри автомобиль йўллари ва чорраҳаларида тегишли идоралар ҳодимлари билан биргаликда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тадбирларида фаол қатнашади.

Йўл муҳандислиги 3-босқич бакалаврият таълим йўналиши талабалари 2024-2025 ўқув йилида “Қамчикавтоёйўл”да икки ойлик пулли амалиёт ўтади. Ушбу амалиёт даврида Жиззах шаҳридаги кўприк қурилишида бевосита иштирок этди.

Университет профессор-ўқитувчиларининг транспорт йўналишидаги саъй-ҳаракатлари ҳам диққатга сазовор. 2024-2025 ўқув йилида улар томонидан ушбу йўналишдаги долзарб масалалар ечимига бағишланган битта фан доктори ва 4 та фалсафа доктори илмий даражалари ҳимоя қилинди. 7 нафари доцент ва 1 нафари профессор унвонини олди. Сўнгги уч йилда автомобиль йўллари ва ҳаракат хавфсизлиги бўйича 5 та дарслик, 4 та ўқув қўлланма, 6 та монография чоп этилди. Бу борадаги илмий изланишлар изчил давом этмоқда.

“Сўз латофати” китобидан)

Бамисоли уламо, фузало олиму фозилнинг кўплик шакли бўлганидек, фуқаро ҳам фақирлар, яъни камбағаллар, йўқсиллар демакдир. Қоидага кўра фуқарога ҳам “лар” қўшиш хато бўлади.



Илмий, мантиқий нуқтан назардан ҳам, шаклу мазмун жиҳатдан ҳам бу ҳуқуқий атама устида турли баҳслар юради. Лекин замон кўзи билан қарасак, **фуқаро** ҳам меҳнаткаш атамаси билан қисматдош экан. Ҳар икки сўз мажруҳлик, тубанлик, бахтсизлик чоҳидан озод бўлиб, кадр-қиммат минбарига юксалибдилар. Шундай камол топган сўзларга дуч келганимда, ўзбекнинг сўзи — ўзбекнинг ўзи деган фикр кўнглимдан ўтади. Қадим замонларда Миср султонлари асирликка олиб ўз мулкига айлантирган, яъни мамлук қилган аскарлар вақти келиб султонларни қулагани, беш юз йил Мисрда ҳукм сургани тарихдан маълум. Аслида, қул маъносини англатувчи мамлук Мамлуқлар салтанати бўлиб соҳиблик мақомини олган эди. Келиб чиқиши фақир бўлган **фуқаронинг** бугунги соҳиблик мақоми ана шу тарихни эслатади. Фарқ шуки, **фуқаро** ҳозирги мақомга қадам-бақадам кўтарилган, аввал хожанинг фуқароси, сўнг амиру султоннинг, бора-бора мамлакатнинг фуқароси қадр етиб келган. Камбағаллик маъносини йўқота бориб, аввал тобелик, сўнг муайян жамоага аъзолик даражасига етган. Мана энди **Юрт фуқароси** деганда, биз **Юрт эгасини** тушунамиз. Бу эврилиш, бу метаморфозани кўринг! Тобеликнинг соҳиблигига айланишига назар солинг! Навбатдаги савол: **Фуқаро** сўзига “лар” қўшиш мумкинми? Асли маъносидида, албатта, йўқ! Лекин янги маъно касб этган мумкин экан. XIX аср бошларида Кўқонда яшаб ижод этган ўз замонининг малик уш-шуароси бўлган Фазлийнинг “Сенга арз этар фуқароларинг” деган

“**ХИХ АСР БОШЛАРИДА ҚЎҚОНДА ЯШАБ ИЖОД ЭТГАН ЎЗ ЗАМОНИНИНГ МАЛИК УШ-ШУАРОСИ БЎЛГАН ФАЗЛИЙНИНГ “СЕНГА АРЗ ЭТАР ФУҚАРОЛАРИНГ” ДЕГАН СЎЗЛАРИ БОР. БУ ҲАЗАЛГА ШОИР ВОЛА БОҒЛАГАН МУҲАММАС “БОЗУРГОНИЙ” КУЙИГА СОЛИБ, ҲАЛИ-ҲАМОН АЙТИЛАДИ. ДЕМАК, БУНДАН ИККИ АСР АВАЛ ФУҚАРО АМИРЛИККА ТОБЕ ИНСОН МАЪНОСИДА ИШЛАТИЛГАН ВА ФУҚАРОЛАР ШАКЛИ ҲАМ МАВЖУД БЎЛГАН.**

Мадина ва маданият

Маданият арабча мадина, яъни шаҳар сўзидан олинганини биламиз. Қадим замонлардан саҳроий араблар бадавий, шаҳарликлар маданий бўлганлар. Ўзбек тилига ҳам аини маънода кириб келган. Аёнки, ҳамма давр, ҳамма эл-элатларга шаҳарлар маданият ўчоғи ҳисобланган. Биз бүгун қишлоқ маданияти деганда ҳам қишлоқнинг шаҳарлашувини тушунамиз.

Мадина ва маданият ҳақидаги ўйлар мени маданият ўзи аслида нима деган саволга рўбарў қилди. Маданият оқ қўйлак кийиб, галстук тақиб, тавозе ва мулозиматни ўқшатишми? Ёки рисоладагидек уй тутиш, саранжом-саришталикми у? Замон шаҳар ва шаҳарлик атамаларига ҳам, маданият тушунчасига ҳам ўзгача маъно берди. Аввало, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут йўқолиб бормоқда. Қишлоқда энди илгариги қишлоқки эмас. Кийинишда, муомалада, юриш-туриш ва рўзгор тутишда бугунги қишлоқликлар ҳеч бир шаҳарликдан кам эмаслар. Қолаверса, маданият ҳам энди шаклий, маиший маъноларини йўқотиб, эстетик-ахлоқий тушунчага айланиб бормоқда. Маданият деганда, бугун биз кўпроқ ички маданиятни кўзда тутамиз, юксак фазилатлар мажмуини тушунамиз. Агар бугун барча инсоний фазилатлар ичиди энг олий, энг қадрлиси нима деб сўров ўтказилса, ишонаманки, ер юзи халқларининг кўпчилиги меҳр-шафқатни айтади. Зотан, бу замонда

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

МЕЗОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий контент

СИФАТЛИ СЕРИАЛЛАР

харажат эмас, даромад манбаи

Яқинда Озарбайжонга хизмат сафари билан кетган дўстимдан ижтимоий тармоқ орқали ҳол-аҳвол сўрадим. У ҳаммаси яхши эканини айтиб, кичкина видеохабар юборди. Лавҳа Озарбайжоннинг ARB телеканалда намоиш этилаётган “Номус” номли ўзбек сериалидан парча эди. Дунёда шунча медиамаҳсулот бор экан, қардошларимиз — озарбайжонлик телетомошабинлар айнан бизнинг миллий сериалимизни томоша қилаётганидан ғурур туйдим.

Миллий сериаллар нафақат миллат маданияти ва менталитетини тарғиб қилувчи, унинг имижини кўтарувчи медиаконтент, балки унинг экспортидан мўмайгина даромад қилиш мумкин бўлган маҳсулот ҳамдир. АҚШ, Туркия, Жанубий Корея ўз медиамаҳсулотларини дунё давлатларига сотиш орқали яхшигина даромадга эришади. Албатта, бу борада ўзининг кино санати шаҳри бўлмиш Голливудга эга АҚШ энг кўп даромад кўрайдиган давлат ҳисобланади. Аммо сўнгги йилларда тарихий, криминал ва мелодрамалари билан Туркия ва Жанубий Корея ҳам катта даромадга эга бўлмоқда. Жумладан, Туркия ўтган йили 200 давлатга 300 дан ортққ сериал экспорт қилиб, 500 миллион доллар ишлаган бўлса, Жанубий Корея 400 миллиондан зиёд даромад кўрди. Статистика маълумотларига кўра, дунё миқёсида кино туризми бозори қиймати 2024 йилда 61 миллиард долларни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2025 йил сўнгига қадар 66,2 миллиард долларга етиши, йил сайин ўсиб бораётган қиймат 2035 йилга бориб 135 миллиард долларни ташкил этиши тахмин қилинмоқда.

Албатта, бу сериалларнинг барчаси ҳам сифати ёки менталитетимизга жавоб беради дейишдан йироқмиз. Умуман, сериалларнинг мазмун-моҳияти, улардаги гоа, мафкураси ҳақида эмас, фақатгина сериалларнинг давлат иқтисодиётига келтирадиган фойдаси, ундан қўриладиган моддий манфаат ҳақида сўз юритмоқчимиз. Зеро, сериалларнинг маънавий манфаатлари ҳақида мутахассислар, устоз журналистлар кўп ва ҳўп ёзган. Юқорида келтирилган рақамлар сериаллар экспортдан келадиган соф фойда, холос. Унинг бошқа тармоқлар ривожига қўшган ҳиссаси ҳам катта.

Туризм жавоҳирларининг жонли намоиши

Юқорида санаб ўтилганлар дунё туризм соҳасида ҳам етакчи, ўзига хос жозиба, мавқеи бор давлатлар сирасига киради. Медиамаҳсулотлар эса сайёҳларни жалб этишда энг таъсирли тарғибот

моша қилинди. Кейинчалик медиамаҳсулот бошқа минтақаларда ҳам ўз томошабинларига эга бўлди ва оролга аини пайтда йилгига 3 миллиондан ортққ сайёҳ келади.



қуроллари дейиш мумкин. Айниқса, Туркия бу имкониятдан имкон қадар самарали фойдаланади. Ҳар бир сериалда кўз-кўз қилинадиган денгизи, тоғ ёнбағирлари, тарихий иморатлари, сериал қаҳрамонлари томонидан “Не ўғул бу Истанбул”, дея қайд этилаётган Истанбул, Трабзон, Ангалия каби ўзига хос шаҳарлари дунёга сериаллари каби машҳур, десак адашмаган бўламиз.

Сериаллар брендлар яратади ва оммалаштиради

Сериаллар мамлакат иқтисодий тармоқлари орасида туризмдан кейинги ўрин-



да тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ривожига катта ҳисса қўшади. Аммо бу қамровни аниқ мисол ва рақамларда кўрсатиш мушкул. Томошабин борки, ўзи севган сериал қаҳрамонига ўхшашга ҳаракат қилиши рад этиб бўлмас ҳақиқат. Бу эса, биринчи навбатда, кийиниш услубида намоён бўлади. Яқин ўтмишда жамиятимизда қайси сериаллар оммалашган бўлса, улардаги қаҳрамонларнинг кийиниш услуби ҳам муайян ёш тоифалари орасида модага айланишини эслаймиз. Бир сўз билан сериалларни мода яратади, тўқимачилик саноати эса ўша кийимлар билан истеъмолчиларни таъминлайди дейиш мумкин. Масалан, Туркия тўқимачилик соҳасида ҳам дунёда ўзига хос обрўга эга мамлакат. Албатта, бунда дунёга машҳур сериалларининг ҳам ўрни борлиги шуб-



Хулоса ўрнида

Дунё бўйича минглаб сериаллар суратга олинади. Уларнинг барчаси ҳам машҳурликка эришавермайди ва мамлакат иқтисодиёти, айниқса, туризм соҳасига салмоқли ҳисса қўшавермайди. Сайёҳлик оқимини кўпайтирган “Киш сонатаси”, “Гарри Поттер”, “Узуклар ҳукмдори”, “Тахтлар ўйини”, “Чуккур” каби сериаллар айнан ушбу мақсадга суратга олинмаган. Уларнинг муваффақияти миқёси кенгайиб, бошқа соҳалар ривожига ҳам ижобий таъсир этган, холос.

Биринчи навбатда, бу сериалларга асос бўлган асарлар китоб ҳолида ҳам нодир эди. Хусусан, айрим манбаларда “Тахтлар ўйини” сериалга хамиртуруш вазифасини ўтаган “Муз ва олов қўшиғи” китоби экранлаштирилишидан олдин 2 миллион нусхадан ортққ чоп қилингани қайд этилади. Кейинчалик ўз ишининг усталари томонидан экранлаштирилган, унинг оммабоплигини минтақавийдан глобал даражага кўтарилади.

Шу бос, биринчи навбатда, миллий рух сингдирилган сифатли миллий медиаконтентлар тайёрлашга асосий эътиборни қаратиш ҳамда уларни дунё миқёсида оммалаштириш лозим. Шундагина миллий медиаконтентларимиз ҳам маданий, ҳам мафкуравий, ҳам иқтисодий манфаат келтиради.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.